

## Қачон банда Менга бир қарич яқинлашса

08:35 / 27.01.2018 3981

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Раббилари аzza ва жалладан қуйидагиларни ривоят қилдилар:

**«Қачон банда Менга бир қарич яқинлашса, Мен унга бир газ яқинлашаман. Қачон Менга бир газ яқинлашса, Мен унга бир қулоч яқинлашаман. Қачон Менга юриб келса, Мен унга тез югуриб бораман** (яъни, бандам ҳар турли ибодат ва яхшиликлар билан Менга яқин бўлса, Мен ундан зиёда иноят ва карамларим билан меҳрибонлик қиламан... – тарж.)».

Имом Бухорий ривоятлари.